

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ-  
ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ**

**Ширбачеева Гулчехра Шакировна**

**Мактабгача таълим**

**педагогикаси ва психологияси**

**кафедраси доцент в. б., PhD**

**Низомий номидаги Тошкент давлат**

**педагогика университети**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215031>**

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим ташкилотларида мактабгача таълим тизими талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ошириш зарурати ва имкониятлари ҳақида ёритиб берилган. Келажакда айнан мактабгача таълимда фаолият юритадиган педагоглар яъни мактабгача таълим йўналишида таълим олаётган талабаларда касбий ва педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоси мустақил илмий категория сифатида ўрганиш ва ривожлантириш зарурияти борлиги кўрсатилган.

Замонавий таълим даражаси ва босқичига қарамай, энг асосий мақсадига эга инсонга ўз ҳақида ва атрофидаги олам ҳақида ҳамда маълумотлар ҳақида билимларга эга бўлиши, шу билимлардан фойдаланиб ҳаётга ўргатиш, ўзи ва жамият учун фойда келтириб танлаган касбида ўз шахсий қобилиятлари ҳамда имкониятларидан фойдаланилган ҳолда баланд чўққиларга эришиш, шу асосда таълим олиш нафақат мақсад балки, ҳаётда стратегик мақсадларга эришиш ва турли ҳил фаолиятларда муҳим вазифаларни ечимини топиш учун восита деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, бизнинг мамлакатимизда олий таълимда механизмларнинг динамик ўзгаришлари жамиятдаги ўзгаришлар ва ислохотлардан кўриниб турибтики, турли ҳил ижтимоий фаолиятларда янги талаблар ошмоқда. Бу эса ўқув ва тарбия фаолияти тизимли ҳамда комплекс ёндашув орқали таълим жараёнини ташкил этиб, мутахассисларни тайёрлашга жалб этади.

Мақсадга эришишда қийинчиликлардан бири - бу ўқув материални репродуктив ўзлаштириш ва креатив ёндашиш учун нафақат талабалар балки педагоглардан ҳам ҳаракат ва интилиш талаб этилади. Айнан шу сабабли бугунги кунда замонавий билимлар берадиган педагог мутахассисларни тайёрлашда ҳамда қайта тайёрлаш жараёнида уларда креатив потенциалини шакллантириш муҳим рол ўйнайди.

Таълим жаҳон майдонига фаол кириб боради, хорижий мамлакатлардаги бошқа соҳалар билан муваффақиятли рақобатлашади. Бу маданий мероснинг бир қисми бўлиб, авлоддан-авлодга ижтимоий-маданий тажрибани етказиб беради, жамиятни қайта тиклашнинг энг муҳим детерминанти бўлиб хизмат қилади, инсон ҳаётининг барча соҳаларида таълим-тарбия ва тарбиявий давлатнинг асосий функциясини бажаради, инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Таълим нафақат билим олиш воситаси балки инсоннинг табиий муҳитини, унинг атрофини, оҳир-оқибат жамият соҳасининг барча шакллари ўзгартириш воситасидир. Анъанавий маҳаллий таълим тажрибасини сақлаб қолиш, айтиқса, муҳим аҳамиятга эга.

Айнан мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бирламчи бўғини бўлганлиги сабабли, шу соҳадаги бўлажак педагогларни, яъни “Мактабгача таълим” йўналиши мавжуд педагогика олий таълим ташкилотлари талабаларни ўқитишда тизимли ўзгаришлар, дастурий ривожланиш ва касбий ҳамда педагогик маданиятини уларда ривожлантириш зарур деб ҳисобланади.

Замонавий таълим нафақат анъанавий функцияларини бажаради. Бу янги ҳаёт тарзини муносабатларни инсон ҳатти-ҳаракатларини ривожлантириш воситаси бўлади. Унинг ёрдами билан профессионал муносабатлар қобилиятлари нафақат алоҳида гуруҳда, балки инсон фаолиятининг бошқа шакллари ва турларида ҳам профессионаллик чегараларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда таълим тизимидаги педагог ва раҳбар ходимларни тайёрлаш бўйича касбий талаблар даражасини кўтаришда барча компонентларни ўзгарганлиги объектив натижаларни кўрсатмоқда. Шу билан бирга олий таълим ташкилотлари талабаларида касбий ва педагогик маданиятини ривожлантириш тадқиқотимизнинг актуаллигини намоён этмоқда. Шунингдек, келажакда айнан мактабгача таълимда фаолият кўрсатадиган педагоглар яъни мактабгача таълим йўналишида таълим олаётган талабаларда касбий ва педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоси мустақил илмий категория сифатида махсус ўрганилмаган.

Педагогик маданиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири бу нутқ маданиятидир. Педагог учун энг муҳими тарбияланувчи, ўқитувчи ёки талабалар ва уларни ота-оналари билан мулоқот қилиш қобилиятидир.

Педагог ҳар доим болалар учун намуна. Унинг болаларга қанчалик муваффақиятли таълим-тарбия бера олиши нафақа унинг билимига, балки педагогик маданият даражасига ҳам боғлиқ.

Ўқитувчи, тарбиячи шахсни унинг касбий педагогик фаолияти жараёнида шаклланади, намоён бўлади ва ўзгаради.

Педагогик фаолият бу инсоннинг шахсий ривожланиши ва тўпланган билимлари, тажрибаси, маданиятини катта авлодлардан ёшларга ўтказиш ва жамиятда муайян ижтимоий рол ва вазифаларни бажаришга тайёргарлик кўриш учун шароит яратишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик маданиятга эга фаолият – бу ўқитувчининг болага нисбатан тарбиявий ва таълимий таъсири, уни шахсий ва ақлий ривожланиши мақсадида қуйидагиларни ўз ичига олиш керак:

- фаолият йўналтирилганлиги,
- агар уни амалга ошириш учун зарур билимга эга бўлган шахс томонидан амалга оширилганлиги,
- педагогик фаолият мақсадга мувофиқ бўлса.

Педагогик фаолиятни амалга ошириш учун педагог: билим, кўникма, қобилият, шахсий фазилатлар, тажриба, таълим, мотивация яъни касбий маҳоратга эга бўлиши керак – бу педагогнинг касбий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ва касбий педагогик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатларида юзага келадиган одатий касбий вазифаларни белгалайдиган ажралмас хусусияти ҳисобланади.

Замонавий жамиятга касбий педагогик фаолияти ўқув жараёни сифати ва ташкил этилишининг сезиларли даражада ошган талабларига ва ривожланаётган узлуксиз таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларига жавоб берадиган мутахассислар зарур. Улардан ишда юқори даражали профессионалик, ижтимоий фаоллик, ўз касбига ижодкорлик ва креативлик билан ёндашиш, толерантлик ва бошқалар билан ҳамкорлик ва мулоқот қилиш қобилияти талаб қилинади. Албатта педагоглар ўз касбига мувофиқ намунали хулқ-атвориغا эга бўлиши ҳамда энг муҳим хусусиятларидан: ахлоқ ва одоб, меҳрибонлик, самимий саҳийлик, талабалари ва ўз касбини яхши кўриши керак.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-595-сонли 2019 йил 16 декабрдаги Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни

(Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган)

2. Мирзиёев Ш. М. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик-миллий ғоямизнинг пойдеворидир [Матн] : Маъруза / Шавкат Миромонович Мирзиёев. – Тошкент, 2021. – 36 б.

3. Бекназаров А.А. Психологические особенности взаимоотношений между учителем и учащимся [на примере обучения русскому языку и литературе в узбекской школе]: Дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент: «ТГПУ», 1994. - 146 с

4. 162. Murodova A.B. “Bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy layoqatlarini shakllantirishning pedagogik-psixologik o'ziga xosliklari” // Scientific progress. 2021. №5.

5. Муслимов Н.А. «Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш - Т. Фан, 2004, 124 бет.

6. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти: Дис... докт. пед. наук: 13.00.01: Ташкент, 2010